

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ БОЖ-ТАРИФ ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Қ.СУЮНОВ

*Божхона институти магистри*

**Аннотация:** *Ташқи иқтисодий фаолиятда бож-тариф сиёсатининг асосий мақсади, мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига интеграллашувини таъминлашдир. Мақолада ташқи савдони тартибга солишда қўлланиладиган тарифли ва нотариф тартибга солиш усуллари; бож-тариф сиёсатининг ўзига хос айрим хусусиятлари, импортни оптималлаштиришнинг тариф квоталари ўрганилган.*

**Калит сўзлар:** *Ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, бож-тариф сиёсати, тариф квоталари.*

Маълумки, ташқи савдо сиёсатининг асосий дастаги – бу бож-тариф ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 292-моддасига мувофиқ, бож тарифи божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига мувофиқ тизимлаштирилган товарларга нисбатан қўлланиладиган божхона божлари ставкаларининг жамланмасидир.

Бож-тарифи давлат сиёсатида қуйидаги вазифаларни бажаради: фискал вазифа – давлат бюджетини тўлдириш; протекционистик (ҳимоя) вазифа – импортни чеклаш орқали миллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатдан ҳимоялаш; балансловчи вазифа – айрим сабабларга кўра ички нарх жаҳон нархидан паст бўлган маҳсулотларни хорижга чиқиб кетилишини чеклайди.

Бож-тарифи орқали тартибга солишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: товарларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчи учун қулай шарт-шароит яратиш миллий иқтисодиётни чет эл рақобатининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашувига шароит яратиш ва бошқалар.

Давлат сиёсатида бож-тарифларини қўллашнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: мамлакат мудофаа саноатини ҳимоя қилиш имконини беради; мамлакатда бандлилик даражаси ўсишини таъминлайди ва ялпи талабни рағбатлантиради, импортнинг нисбатан чекланиши натижасида соф экспорт ўсади ва жорий операциялар бўйича тўлов баланси ҳолати яхшиланади; миллий иқтисодиётдаги янги тармоқларни ҳимоя қилиш имконини беради; давлат бюджети даромадларини тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади; миллий ишлаб чиқарувчиларни демпинг кўринишидаги чет эл рақобатидан ҳимоя қилади; иқтисодиёт тўзилишини қайта

қуришни бошқариш воситаси ҳисобланади ва улар ёрдамида мамлакат иқтисодиётидаги инновацион ўзгаришлар рағбатлантирилади ва ҳақозо.

Мамлакатларда таъриф механизми орқали ташқи савдо сиёсатини юритиш, биринчи навбатда ушбу мамлакатнинг асосий тармоқлари ва янги ишлаб чиқариш соҳаларининг ҳимояланганлигига таъсир қилади.

Шу билан биргаликда, протекционизм сиёсатининг муҳим тамойили давлат тайёр маҳсулотларга божни кўтариш ва ярим тайёр маҳсулотларга эса унинг миқдорини пасайтириш орқали тармоқнинг ҳақиқий ҳимояланганлигини янада оширишдан иборат.

Бироқ, Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатида бугунги кунда ЖСТга аъзо бўлишдек муҳим вазифа турибди. Бу эса ўз навбатида давлат бож-тарифи сиёсатини такомиллаштириш каби амалларни кенг қўллаш, миллий иқтисодиётни жаҳон савдо қонунчилиги стандартларига мослаштириш ва интеграциялашни талаб қилади.

Бевосита, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ЖСТга аъзоликка қабул қилиниш жараёнида эканлигини ҳисобга олган ҳолда миллий бож-тариф сиёсатини ЖСТ талабларига мослаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Бироқ, бугунги кунда ЖСТга аъзо бўлаётган давлатларнинг ташкилот талаблари доирасида ўз бож-тариф сиёсатларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган тажрибалари юқорида келтирилган миллий бож-тариф сиёсатининг айрим жиҳатларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ЖСТ доирасида бож-тарифларини тартибга солиш ва уларни номзод мамлакат амалиётида кўришни назарда тутувчи ҳужжат сифатида ГАТТ белгиланган.

ЖСТга аъзо мамлакатларининг кўпчилиги ўзларининг миллий саноатини ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгаллигини тан олади. Бироқ, ГАТТ мамлакатлардан тарифлар орқали ҳимоя қилишни талаб этади. Бу тамойилни амалда бажарилишини таъминлаш учун ГАТТ қонун-қоидаларига кўра бир неча истиснолар бўйича миқдорий чекловлардан фойдаланиш ман этилади. Ўзбекистон Республикасида ҳам миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида импорт божларидан фойдаланилади.

Давлатлар кўп томонлама савдо келишувлари орқали миллий саноатни қўллаб-қувватлашни камайтириши, иложи бўлса, тарифларни камайтириб, бошқа савдо тўсиқларини олиб ташлаши керак. Тарифлар маълум даражада камайиб ўзаро боғланмоқда. Тариф линияларини боғлаш шуни билдирадиги, аниқ бир маҳсулотни муносабатга киришишдаги тариф даражаси ЖСТ аъзосининг мажбуриятидир ва асосий савдо шериги билан компенсация ҳақидаги келишувсиз тарифни ошира олмайди. Ўзбекистон Республикаси бож-тариф сиёсатида бугунги кунга қадар бундай амалиёт бажарилмаган бўлиб, ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси позицияларини ташкилотга аъзо давлатлари билан музокаралар жараёнида ўзаро келишилган мажбуриятлар асосида боғлашни назарда тутди. Бу амалиётнинг тўлиқ реализацияси маълум бир муддат талаб этиб, ўзаро келишилган якуний миқдоргача

товар позицияларини пасайтириш ташкилот томонидан тақдим этиладиган ўтиш даври муддати тугагунга қадар амалга оширилиши керак. Бунда, республикада ишлаб чиқариладиган миллий иқтисодиётимиз учун муҳим ўринга эга бўлган товар позицияларига нисбатан миллий манфаатлар кесимида тариф ставкаларини имкон қадар боғламаслик ёки имкон қадар кам миқдорда пасайтирилишига эришиш лозим. Мисол тариқасида РФ ЖСТга аъзоликка қабул қилиниш даврида РФ иқтисодиёти учун муҳим бўлган ва федерация ҳудудида ишлаб чиқариладиган айрим турдаги қишлоқ-хўжалиги ҳамда саноат маҳсулотларига нисбатан импорт божхона божларини пасайтиришдан бош торган.

ГАТТнинг “Энг қулай режим”и ажратмаслик тамойили ҳисобланади. Белгиланган талабларга кўра, экспортёр ва импортёр давлатларга ўзгартирилган тариф ва бошқа меъёрлар ЖСТнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам қўлланилиши керак. Хеч қандай давлат бошқасига алоҳида савдо фойдаси ёки камситувчи чоралар кўра олмайди. Ҳамма бир хил даражада ва ҳамма савдо тўсиқларини тушириш мақсадидаги барча чоралардан фойда олади. Ўзбекистон Республикасида бу амалиёт Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 137-сон қарорига мувофиқ, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган импорт бож ставкалари Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий муносабатларда энг қулай режим яратадиган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Рўйхатга кўра 46 та давлатга нисбатан бу режим қўлланилади.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжат									
Ўз.Р. ВМнинг 31.05.2002 й. 189-сон қарори	15.31	Ўз.Р. ВМнинг 07.01.2004 й. 4-сон қарори	14.81	Ўз.Р Президентининг 19.09.2005 й. ПҚ-183-сон қарори	14.84	Ўз.Р Президентининг 27.03.2008 й. ПҚ-823-сон қарори	14.93	Ўз.Р Президентининг 05.08.2009 й. ПҚ-1169-сон қарори	14,84
Ўз.Р Президентининг 29.09.2017 й. ПҚ-3303-сон қарори	6,50	Президентининг 29.06.2018 й ПҚ-3818-сон қарори	4,06	Ўз.Р Президентининг 26.12.2018 й. ПҚ-4086-сон қарори	5,59	Ўз.Р Президентининг 02.10.2019 й. ПҚ-4470-сон қарори	8,02		
%	15.31	14.81	14.84	14.93	14,84	6,50	4,06	5,59	8,02

Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф орқали тартибга солишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда импорт божхона божининг ўртача арифметик ставкасини ўзгаришини 2003 ва 2022 йилларда таҳлил қиладиган бўлсак, бу даврда 15,31 фоиздан 8,02 фоизга ёки қарайиб 2 мартага камайган.

Божхона божининг ўртача арифметик ставкаси турли мамлакатларда турли даражада. Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнларини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда турли хил божхона тўловлари ставкаларидан фойдаланади ва уларни қўллашни доимий равишда такомиллаштириб боради.

Мисол учун импорт божхона божига ноль даражали ставкалар миқдори Европа Иттифоқи давлатларида 16,65 фоизни, Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатларида 15,81 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 39,3 фоизга тенг.

Европа иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида импорт божхона божи ва солиқлар Иттифоқ ҳудудига аъзо давлатлардан бошқа, яъни учинчи давлатлардан олиб кирилган товарларга нисбатан қўлланилади. ЕИда преференцияли тариф ставкалари фақатгина ЕИ билан келишувлар имзолаган давлатлардан олиб кирилган товарларга нисбатан қўлланилади. Импорт божхона ставкалари 0% дан 17% гача фарқланади ва ўртача импорт божи ставкалари 4,2% ни ташкил этади. Фақатгина озиқ-овқат маҳсулотлари, текстиль ва кийим-кечак маҳсулотлари учун тарифли тартибга солишдан ташқари бошқа ҳимоя чоралари (квоталаш, юқорироқ бож ставкаларини қўллаш) қўлланилади. Бир қанча импорт товарларига нисбатан антидемпинг божлари қўлланилади.

Евросиё иқтисодий иттифоқи бож тарифининг 3 даражали тизимини, яъни “хомашё-ярим тайёр маҳсулотлар-тайёр маҳсулотлар” тизимини қўллайди. Бунда тариф эскалацияси қайта ишланганлик даражасига ва қўшилган қийматнинг кўпайишига боғлиқ равишда импорт бож ставкасининг ошиб боришида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3818-сон қарорида бож-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий тамойиллари белгиланган.

Мамлакатимизда ундириладиган божхона тўловлари таркибида қўшилган қиймат солиғи асосий салмоқни, 68-70 фоизини ташкил этади. Ҳозирги кунда ЕОИИга аъзо мамлакатларда қўшилган қиймат солиғининг ставкалари, жумладан: Қозоғистон ва Қирғизистонда – 12 фоиз, Тожикистонда – 18 фоиз, Арманистонда - 20 фоизни ташкил этаётган бўлса, Ўзбекистонда ҚҚСнинг ставкаси 15 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Россия Федерациясида ҚҚС нинг 3 хил ставкаси амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПҚ-3818-сон қарорга кўра импорт божхона божларининг ставкалари умумий сонидан 45 фоиздан зиёди пасайтирилиши белгиланган эди. Бироқ, ПҚ-3818-сон қарорга кўра, сўнги амалга кирган ставкалар билан солиштириганда, ПҚ-4470-сон қарор билан 3629 турдаги товарлар бўйича импорт божхона божлари ўзгарди, яъни импорт божлари қарорда белгиланганига нисбатан ошди. Жумладан,

деярли барча кийим-кечакка солинадиган бож 2 баравар (10 фоиздан 20 фоизгача) оширилди. Бунда энг кам миқдор – 1 донаси учун 0,2 АҚШ долларидан 4 АҚШ долларигача жорий этилди. Худди шу тарзда пойабзал бўйича ставкалар икки баравар (5 фоиздан 10 фоизгача) оширилди. Бунда ҳам энг кам миқдор – 1 донаси учун 1,5 доллар жорий этилди. Тухум ва сақичдан 30 фоиз (энг юқори ставка) тўлашга тўғри келади. Идиш-товоқ, мебель, офис учун товарлар, маиший ва лимат техникаси, автомобиль эҳтиёт қисмлари ва ҳ.к. бўйича ҳам салмоқли ўсиш назарда тутилган.

Бугунги кунда импорт божлари ставкалари мос равишда 0 %, 5 %, 10 %, 15 %, 20 % ва 30 % ли гуруҳларга бўлинади.

**Таққослама импорт божи ставкалари жадвалда келтирилган:**

Импорт божхона божлари ставкаларининг умумий структураси				
Божхона божи ставкаси	Товар позициялари миқдори			Фарқ
	ПҚ-3818	ПҚ-4086	ПҚ-4470	
0%	8 337	7 096	4443	-2 642
5%	91	385	2171	1846
10%	1 875	2 127	1 757	-134
15%	5	339	413	214
20%	452	715	713	396
30%	472	572	237	-28
Аралаш ставкалар	391	1 171	1 561	348
Умумий	11 295	11 295	11 295	
Божхона божининг ўрта арифметик қиймати	6,45%	4,06%	8,02%	

Ташқи савдони божхона тўловлари орқали тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибалар, халқаро принциплар ва нормаларни инobatга олган ҳолда оптималлаштириб бориш ҳозирги кунда асосий долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ташқи савдони бож тарифи орқали тартибга солиш соҳасида кўплаб ислохотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, ҳозирги иқтисодий муносабатлар уни доимий такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикасидаги жорий иқтисодий ислохотлар жараёнида хорижий давлатлар ва иқтисодий иттифоқлар билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ташқи иқтисодий фаолиятда самарали ҳамкорлик қилиш мазкур давлатлар ва иқтисодий иттифоқлар билан ташқи савдодаги самарали эркин савдо ва протекционизм сиёсатини амалга оширишда намоён бўлади. Бунда оптимал бож-тариф сиёсати орқали юқорида таъкидланган самарали эркин савдо ва

протекционизм сиёсатини амалга ошириш мумкин. Бу эса ўз навбатида миллий бож-тариф тизимини жаҳонда белгиланган стандартлар ва тавсиялар ҳамда илғор хорижий тажрибалар асосида доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Импорт божхона божларини белгилашда, ривожланган давлатлар тажрибасида кенг қўлланиладиган тариф эскалацияси асосида, яъни товарнинг қайта ишланганлик даражасига қараб ставкаларни белгилаш механизмига амал қилиш муҳимдир.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-июль ойларида Ўзбекистон импортида юқори улушга эга бўлган ҳамкор давлатлар орасида Хитой етакчилик қилмоқда – 3,7 млрд доллар. Кейинги ўринлардан мос равишда 3,3 млрд доллар ва 1,7 млрд долларлик маҳсулотлар олиб келинган Россия ва Қозоғистон жой олди. Ушбу кўрсаткич қолган давлатлар кесимида қуйидагича кўринишга эга:

Корея – 1,4 млрд; Туркия – 965 млн; Германия – 589 млн; Ҳиндистон – 359 млн; Туркменистон – 353 млн; Бразилия – 281 млн; АҚШ – 236 млн доллар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона тўловларидан имтиёз бериш амалиётини оптималлаштириш мақсадида, Европа иттифоқи, Евросиё иқтисодий иттифоқи ҳамда Хитой давлати тажрибасидан фойдаланган ҳолда, айрим товарларга нисбатан тариф квотасини жорий этиб ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 декабрдаги 728-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларга нисбатан тариф квоталарини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланди.

Квоталарни ажратиш ва тақсимлаш қуйидагича амалга оширилади. Бунда ваколатли орган (Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги):

Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда республикадаги барча мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда улардан фойдаланиш даражасини, шунингдек, экспорт ва импорт ҳажмларини ўрганади;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда аризада кўрсатилган товарлар бўйича республикада ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда ички бозорнинг тўйинганлик даражаси ва мавсумийлик омилларини ўрганади, шунингдек, квота ҳажмлари, муддати ва бож ставкаси тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади.

Тариф квоталарини қўллаш мақсадида квота ҳажмлари, муддати ва бож ставкаси тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритади.

Вазирлар Маҳкамаси ваколатли орган томонидан тақдим этилган келишилган таклифларни ўрганиб чиқади, тариф квоталари ҳажмларини белгилаш ёки белгиламаслик, уларнинг муддатлари ва бож ставкаси тўғрисида якуний хулосани қабул қилади.

Импортни оптималлаштиришнинг ушбу воситаси ва уни қўллаш бўйича мамлакатимизда бир қатор қарашлар мавжуд бўлиб, айрим иқтисодчилар уни салбий баҳолашмоқда. Аммо, қатор ривожланган мамлакатлар тажрибасида ушбу восита ижобий баҳоланган. Шунинг учун ушбу воситадан самарали ва тўғри фойдаланиш, энг муҳими квоталарни тақсимлашда коррупцияга йўл қўймаслик муҳимдир.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3818-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларга нисбатан тариф квоталарини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 728-сон қарори.